



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 172 (13.505)

Баҳоси эркин нарҳда

## “FOREIGN AFFAIRS” МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯНГИ ЖЎШҚИН СИЁСИЙ ЖАРАЁН ТЎҒРИСИДА

**Яқинда АҚШда чоп этиладиган нуфузли “Foreign Affairs” журналининг электрон сайтида “Марказий Осиёда умидбахш тараққиёт” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Мақола қароргоҳи Вашингтон шаҳрида жойлашган Америка ташқи сиёсати кенгаши вице-президенти Илан Берман қаламига мансуб.**

“Foreign Affairs” веб-саҳифасини бир ойда ўртача 2,1 миллион нафардан зиёд киши ўқийди. Журнал ва унинг электрон нусхаси расмий доиралар ҳамда экспертлар орасида жуда катта нуфузга эга бўлиб, мамлакат сиёсатини шакллантирувчи наشرлардан бири саналади. Унда давлат раҳбарлари, вазирлар, юқори даражадаги бошқа сиёсатчиларнинг мақолалари мунтазам чоп этилиб турилади.

“Бугун Евроосиё маконида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда, — дейлади “Марказий Осиёда умидбахш тараққиёт” мақоласида. — Хусусан, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш сингари янги аъёналар сезилаяпти”. Мутахассиснинг фикрича, воқеаларнинг бундай ривож топиши тарихий асослар билан боғлиқ. “Минг йилликлар давомида бу замин савдо, илм-фан ҳамда инновациянинг глобал маркази бўлиб хизмат қилган”.

“Минтақада амалга оширилаётган жараёнларнинг асосий омилли УЎбекистондаги ўзгаришлардир, — деб ҳисоблайди эксперт. — 2016 йилнинг сентябрь ойида мамлакат Биринчи Президенти Ислам Каримов билан видолашди. Олий мақомага сайланган Шавкат Мирзиёев ўз маъмуриятга ус-тувор масалалар сифатида фуқаролик жамияти ва дипломатия майдонида фаоллигини ошириш лозимлигини белгиллаб берди”.

“Шавкат Мирзиёев минтақа муаммоларини ҳал қилишда ўзгача йўл топишга тайёрглигини билдирди. Шу билан бирга, Тошкентнинг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан очик, дўстона ҳамда прагматик сиёсат олиб боришга содиқ эканини қайд этди. Лавозимга келган эса, у ваъдасининг устидан чиқди”, дейди америкалик эксперт.

Сиёсатчи бу борада муҳим муваффақиятлар сирасига Ўзбекистон раҳбарининг Туркменистонга амалга оширган давлат ташрифлари яқини, Қозоғистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини, шунингдек, Қирғизистон билан муносабатларни мўтадиллаштириш жараёни бошланганини қайд этди.

Мақолада Ўзбекистоннинг Тожикистон билан дўстона алоқаларини раванқ топтиришга қаратилган ишчиликларига юқори баҳо берилади. Мисол сифатида ўзаро ҳамкорликда транспорт коммуникациясини йўлга қўйиш ва товар айир-бошлаш ҳажмини ошириш сингари ижобий жараён суръати қаламга олинади.

“Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган қизгин чоратadbирлар минтақадаги бошқа давлатларнинг эътиборидан четда қолмаяпти. Улар Тошкент олиб бораётган яхши қўшничилик сиёсатини қўллаб-қувватлашмоқда”, дея ёзади И. Берман.

Қўшма Штатлар аънавий равишда Евроосиё маконига ҳавфсизлик таҳдиддан сақловчи қалқон ҳудуди зонаси, минтақанинг ҳужмрон давлатлар билан муносабатлардаги “савдо” объекти ҳамда рақобат майдони, деб қарарди. Бироқ минтақадаги воқеалар ривож, экспертнинг фикрича, “Вашингтон учун собиқ иттифок таркибида бўлган маконни геосиёсий марказ деб билиш ва Марказий Осиё давлатлари билан қандай муносабатлар ўрнатиш тўғрисида ўйлаб кўрадиган фурсат етиб келганини аниқлашмоқда”.

“Жаҳон” АА

## “ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ” КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг “Медиа-холл”ида “Энг улуғ, энг азиз” республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.**

Турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, адабиёт, маданият ва санъат намояндалари, маънавият тарғибчилари, журналистлар йирилган тадбирда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев ва бошқалар буюк ва бебаҳо неъмат — мустақиллиқнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун беқиёс аҳамияти ортиб бораётгани, ҳалқимизнинг манфаатлари, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ёзувчи

лар уюшмаси, “Ўзбекино” Миллий агентлиги, Бадиий академия, “Тасвирий ойна” уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган “Энг улуғ, энг азиз” кўрик-танлови ҳам бунинг мисолидир. Йигирма йиллик тарихга эга кўрик-танлов бу йил “Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!” деган эзгу ғоя асосида ташкил этилди.

Танловга адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино йўналишлари бўйича қарийб 500 ижодкордан 5 мингга яқин иш келиб тушган. Тақдим этилган асарларда истиқлол ғоялари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг маъно-мазмунини кенг акс эттириш, қўлга киритилган ютуқларимизнинг асосий омилли ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик позицияси тобора кучайиб бораётганини ҳаётий далил ва мисоллар орқали талқин этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тантанали маросимда турли йўналишлар бўйича 25 ғолиб ва совриндорга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Малоҳат ХУСАНОВА



## АҲОЛИГА ЯНАДА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

**Пойтахтимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотлар натижасида замонавий бинолар, кўп қаватли уйлар қад ростламоқда. Бундай замонавий уйлар шаҳримиз кўркига-кўрк қўйиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан бирга, халқимизда давлатимизга ва эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустаҳкамламоқда. Амалга оширилаётган бу каби хайрли ишлардан мақсад аҳоли турмушини янада яхшилаш, фаровон ҳаёт кечиришига қаратилгани билан аҳамиятлидир.**

Аҳоли, жумладан ёш оилаларни, эскирган уй-жойларда ашайётганларни ва уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд бўлган фуқароларни арзон, қулай, замонавий уй-жойлар билан таъминлашда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 22 ноябрдаги “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартираларни уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори муҳим таъсирга эга бўлмоқда.

Барчамизга маълумки Президентимизнинг Қарорига кўра республикамизнинг барча шаҳар ва вилоятларининг марказларида кўп қаватли, арзон уй-жойлар қуришмоқда, — дейди “Ипотека-банк” АТБ Иқтисодий таҳлил ва стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Исмоил Туропов. — Мазкур қарорга кўра мамлакатимиз шаҳарларида қурилаётган кўп қаватли арзон квартираларни сотиб олиш учун бошланғич бадал суммасини шакллантиришда аҳолига янада қулайликлар ва имкониятлар яратиш ҳамда бошланғич бадал маблағларини тезкорлик билан жамланганини ташкил этиш мақсадида “Ипотека-банк” АТБ томонидан аҳолига манфаатли бўлган янги “Имконият” ютуқли омонати жорий қилиниб, мазкур омонатга пул маблағлари жорий йилнинг 10 январидан республикамизнинг ҳар бир ҳудудда “Ипотека-банк” АТБ кассаларида қабул қилина бошлади. “Имконият” омонати бўйича ютуқлар тиражи Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида жорий йилнинг 20-28 август кунлари ўтказилади. Тиражлар якунига кўра омонатчилар 490 дан ортиқ маиший техника буюмларидан бирига ҳамда супер ютуқ — 14 та “Spark” автомобилдан бирига эга бўлишлари мумкин. Квартира эгалари янги уйга янги совға, ютуқлар билан кириб бориш имконига эга бўлишди.

Мазкур ютуқли омонат бўйича навбатдаги тираж пойтахтимизда куни кеча тантанали тарзда ўтказилиб, кўплаб юртдошларимизга олам-олам қувонч бағишладди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, фуқароларимиз томонидан “Имконият” жамғарма ютуқли омонатига пул қўйиш орқали ўз пул маблағларини жамғариб боришлари, шунингдек, янги уйни ипотека кредитлари асосида сотиб олиш бўйича маҳаллий ҳокимиятнинг тегишли қароридан сўнг мазкур омонатдаги жамғарган пул маблағларини мамлакатимизда қурилаётган кўп қаватли арзон уйларнинг бошланғич бадал маблағларини шакллантириш учун йўналтиришлари мумкин.

Ипотека кредитларининг бошланғич бадал маблағларини тезкорлик билан жамлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш, кредит асосида уй сотиб олаётган юртдошларимизнинг моддий манфаатдорлигини ошириш имконини берувчи бу каби йирик лойиҳа мамлакатимизда илк бор ўтказилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ютуқлар тиражида республика бўйича 5 минг 535 нафар, хусусан, Тошкент шаҳридан 2 минг 382 нафар омонатчи иштирок этди. Ютуқлар ғолибларга тантанали тарзда топширилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган турли маиший техника буюмларига эга бўлган ҳамда машина соҳибига айланган ҳамшаҳарларимиз бундай гамхўрликдан мамнун эканликларини изҳор этишди. Юртдошларимизга унутилмас қувонч улашётган бу каби тадбирлар Истиклолимизнинг 26 йиллигини муносиб кутиб олиш тарадуду қизгин бораётган шу кунларда бир-бирига улашиб кетмоқда. Зеро, инсон манфаати улуғладиган юртга тўйлар, байрамлар ярашади.

Зиёда РАСУЛОВА  
Ислам Исмоилов олган сурат

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида қатор тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.**

## МУСТАҚИЛЛИК — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Кўкча” маҳалла фуқаролар йиғинида “Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон” шиори остида ташкил этилган “Ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқнинг истиқболи йўқдир!” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир ҳам улардан биридир.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар ҳамда Шайхонтоҳур тумани кенгашлари, “Кўкча” маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида уюштирилган тадбирга партия ва маҳалла фаоллари, таниқли санъаткорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилди.

Тадбирда сўз олганлар энг бебаҳо неъмат — истиқлол халқимизнинг миллий манфаатлари, орзу-истакларининг ушалоғи ҳамда тинч-тотув ва фаровон яшашида муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Таниқли санъаткор ва актёрлар ижросидаги куй-қўшиқлар ҳамда саҳна кўринишлари тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият бағишлади.

Г.БОБОЕВА



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкент вилояти Паркент туманида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб “Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!” мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партия вилоят ва туман кенгашлари ходимлари, туман ҳокимлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлини маси вакиллари, “Ёшлар қаноти” ва “Аёллар қаноти” фаоллари, ёшлар иштирок этди.

• Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Наманган вилояти кенгаши “Ватан фидойи фарзандларини унутмайди” шиори остида мустақиллигимизнинг 26 йиллигига бағишлаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказмоқда. Жумладан, Уйчи тумани мудофаа бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси туман бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган 30 га яқин ҳарбий хизматчи ва ички ишлар тизими ходимининг оила аъзолари, фарзандлари таклиф этилди.

• Наманганда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сиёсий кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган “Адолатли қайнона” республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Партия вилоят кенгаши, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда туманлардан сараланган 12 иштирокчи оила ва маҳаллада топган обрў-эътибори, меҳнат фаолиятида эришган ютуқлари ва уларнинг омиллари, ижтимоий-сиёсий билими ва маънавий-маърифий дунёқарабини намойиш этди.

• Жиззах вилоятида 2017 йил инвестиция дастурига асосан 97 миллиард 602 миллион сўмлик 60 ижтимоий соҳа иншооти қурилади. Айни пайтда 24 умумтаълим мактаби, 15 мактабгача таълим муассасаси, 8 соғлиқни сақлаш ва 5 болалар спорт иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишлари авжида. 46 ичимлик суви тармоғи ва 17 бошқа иншоотлар қурилишига 21 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилган.

## ЖАҲОНДА

• Италиянинг жанубий соҳилида жойлашган Искья оролида кучли zilзила содир бўлди. Рихтер шкаласи бўйича 4 балли ер қимирлаши икки кишининг ҳаётига зомин бўлди, 25 нафари ярадор бўлди, 7 та одам вайроналар остида қолди. Зудлик билан ишга киришган кутқарувчилар томонидан вайроналар тагидан ўнлаб одамлар, жумладан учта бола кутқариб олинди.

• Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида темир йўл ҳалокати рўй берди. Яъни ушбу ҳудудда ҳаракатланаётган поезднинг 13 та вағони издан чиқиб кетиши натижасида 23 нафар йўловчи ҳалок бўлди, 90 нафар киши турли даражадаги тан жароҳати олди. Кутқарувчилар томонидан вагон вайроналари орасидан 70 дан ортиқ одам кутқариб олинди.

• Кубанда “Robinson” русумли вертолёт ҳалокатга учради. Таҳминларга кўра, вертолёт учувчиси ҳам ҳаётдан кўз юмган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси эртага — 2017 йил 24 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.



**Агар мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ йўлга назар ташлайдиган бўлсак, ундаги изчиллик ва тадрижийлик, тараққиёт ва такомилни кўрамиз.**

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти мустақиллигининг дастлабки кунидан мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишларда туб ислохотлар ташаббускори бўлди. Бунда у: "Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак", – деган қатъий позицияни илгари сурди.

Мамлакат ва халқ тарихида ўта муҳим бўлган икки вазифа турар эди. Шунинг учун ҳам Ислам Каримов 1991 йилнинг 31 августда республика парламентидagi тарихий маърузасида Ватан ва халқ тарихидаги биратунла ана шу икки буюк аниқликни зикр қилди:

биринчиси – Ўзбекистон ҳудудидида тамоман янги, мустақил давлат тизимининг; иккинчиси – социализмдан воз кечилиб, янги тузум барпо этишга киришилганини.

Бунинг учун ислохотларни амалга ошириш керак эди. Ана ўша тарихий маърузада сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотлар олиб борилишини ҳам белгилаб берди.

Сиёсий ислохотлар таркибига, табиийки, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ўзгартириш ҳам кириди. Бу – биринчидан.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти тараққиётнинг тадрижий (эволюцион) йўлини ташлади. Бу эса: "Янгисини қурмай туриб эскисини бўзмаслик керак", – деган қоидага қатъий амал қилишни тақозо этар эди.

"Ўзбек модели" деб номланган ўттиз даври беш тамойилининг иккинчисида белгилаб берилганидек, суд-ҳуқуқ тизимини ўзгартиришда давлат бош ислохотчи бўлиши табиий эди. Бундан ташқари, унинг тамойилини амалга ошириш, яъни "жамиyat ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлиги эришиш" учун ҳам суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш зарур эди. Энг муҳими, бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат барпо этиш учун ҳам, аввало, суд-ҳуқуқ тизимини ўзгартириш, яъни уни замон талабларига мос даражада такомиллаштириш лозим эди.

Мустақиллик йилларида бу борада амалга оширилган ишларни бир-бир санаганда ҳам, неча-неча саҳифа тўлади. Суд ҳокимияти – давлатнинг уч асосидан бири. Чунки замонвий давлат тушунчаси айнан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти билан биргаликда иборат бўлади. Шундай экан, суд тизимининг макому, аввало, Конституцияда белгилаб берилди.

1992 йил Ўзбекистон Республикаси учун Конституцияни тайёрлаш ва қабул қилиш йили бўлди, дейиш мумкин. Давлат раҳбарининг ўша йили босилиб чиққан "Ўзбекистоннинг ўз истисол ва тараққиёт йўли" асари мазмун-моҳиятида ҳам Конституция яратилиш тамойиллари таҳлили биринчи ўринда туради. Бошқача айтганда, бу асарнинг ёзилиши билан Конституциянинг яратилиш тарихини бирга келган. Бунинг охириги саҳифасида битилган мана бу сўзлардан ҳам билиб оلسа бўлади: "Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустақамлайди... Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини йўллайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш йўллари оғиб беради".

Мустақил давлат фуқароси жамият билан бирга қадим ташлаши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан эмин-эркин фойдаланиши, бурчларини масъулият билан бажариши, шахсий манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғунлаштириши, тараққиётдан ортада қўлмаслиги, мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўлиши учун ҳам унинг қўлида Конституция бўлиши керак эди.

Асосий Қонунимизнинг 103-боби "Ўзбекистон Республикасининг суд ҳуқуқий" деб номланади ва у жами 11 моддадан (106 – 116-моддаларни) қамраб олади. Уларда суд тизимининг вазифа ва ваколатлари аниқ-тиниқ белгилаб берилган.

Мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ шўро суд тизимини томонидан Гилан ва Уванов бошчилигида амалга оширилган, "пахта иши", "ўзбеклар иши" деб ном олган ноҳақ судлаб, жазоланган кампаниядан жабр кўрган қўллаб-қувватлашчи бирин-кетин оқланди. Шунинг ўзбек мустақил Ўзбекистонда суд ҳалққа қайишганидан далолат беради.

Президент Ислам Каримовнинг мақсади аниқ эди: халқнинг топталган, қор ҳуқуқати давридаги мустақамлақчилик ҳамда шўро замонидagi ярим мустақамлақчилик сиёсати зади қилиб ташлаган кадрини кўтариш, қаддини ростлаш, унинг қалбида гурур-ифтихор ҳиссини ўйғотиш ва қўчайтириш. Ватанини севишга, унга хизмат қилишга ундашга қаратилган ҳар қандай саъй-ҳаракат қўллаб-қувватлашни лозим эди.

Давлат бошлиғи аввал бошдаёқ масалани: "Халқнинг маънавий руҳини мустақамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир", – деган тарзда қатъий қилиб қўйди.

2001 йилнинг дастлабки кунларидан бир-бири – 4 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши эълон қилинди.

Давлат ва жамият Конституциясиз яшashi мумкин эмас. Конституцияга шунчаки ҳужжат деб қараб бўлмайди. Унинг ҳар бир бўлими, боби, моддаси, банди олам-олам маъно-мазмунга эга, уларнинг ҳар бири муайян ҳуқуқ, эркинликни кафолатлайди, тегишли бурчни қайд этади. Шунинг учун ҳам Асосий Қонунимизни ўрганиш фуқаро зиммасига изчил ва мунтазам давом этадиган масъулият юклайди. Айтайлик, Конституцияга биноан, ҳеч кимга ўзини бошқалардан баланд тутиш, чексиз имтиёзларни қўлга киритиш, бошқалар манфаатларини ҳисобига ўз нафсини қондириш ҳуқуқи берилмаган.

2002 йил 29 – 30 август кунлари иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Биринчи Президент Ислам Каримов "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада қўқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусида катта маъруза қилди. Бу дастурий

## ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

Ислохотлардан кўзланган бош мақсад – инсон ҳаётини яхшилаш, унинг эмин-эркин яшashi, ривожланиши, бунёдкорлик ишлари билан фаол шуғулланиши, умрини унумли ўтказиши, турмуш мазмунининг бойишига эришишдан иборат.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини эса, аввало, суд-ҳуқуқ тизими адолатли тарзда ҳимоя қилади.

2008 йилнинг 23 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилди.

2012 йил 2 августда "Суд тизими ҳодимларини ижтимоий муҳофаза қилиш"ни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент Фармони қабул қилинди.

2015 йил 3 июнь кунини пойтахтимизда "Суд қадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини такомиллаштириш" халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тахрибаси" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристарлар малакасини ошириш маркази, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ҳамда АҚШ Федерал суд маркази, "Минтақавий мулоқот" (Словения) халқаро нодавлат ноти-

жорат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўриб турибдики, мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни бир мuddат бўлсин тўхтагани йўқ. Бу борада қанчадан-қанча қонунлар қабул қилинди.

Бу йилги байрам "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" деган бош ғояни ўзида мукассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури асосида амалга оширилмоқда.

Қарорда ушбу Дастури 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш белгиланган.

Газетчоларимизга яхши маълумки, бу беш устувор йўналишнинг иккинчиси – айнан суд-ҳуқуқ тизими билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" 2017 йил 7 февралдаги Фармонида бу иккинчи йўналиш қуйидагича баён этилган: "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустақамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилни тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш".

Шу йилнинг 21 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармони қабул қилинди. Унга қўра, судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принциплари ягона этилиши таъминлашга қўмақлашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тасвия этиш бўйича олий комиссияси тугатилиб, унинг 21 нафар бўшаётган ижро аппарати штат бирлиги ана шу янги тузилган Кенгашга ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳаёяти тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳаёяти ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳўжалик судлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри иқтисодий судлари этиб ўзгартрилди ҳамда ишларни биринчи инстанцияда қўриб чи-

қишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судини бирлаштириш орқали фуқаролик, жиний, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Бу ислохот суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, уни илгари қазовончи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилидиган, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг муҳим воситаси бўлган институтга айлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Конституцияимизнинг 7 моддасига суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар билан боғлиқ принципал ўзгаришлар киритилди, судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тизимини такомиллаштириш учун судьялар ҳамжамиятининг янги органи, яъни Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Шунингдек, судлар томонидан жиноят ишларини қайта қўриб чиқишга чек қўйилди.

Ўш йилнинг 6 июль кунини "Ўзбекистон Республикаси судьяларининг Ўзбекистон халқига муружаати" қабул қилинди. Унда, жумладан: "Ҳар бир инсоннинг тақдирини ҳал этишда онгимизда – адолат, тилимизда – ҳақиқат, дилимизда эса поклик устувор бўлади... судьялик – бу маънавият, шу билан бирга, шафқатли касб ва юксак мақом эканлигини қўқур аниқлаш ҳолда, судьялик шашнига доғ туширадиган ҳар бир гайриқонуний ҳатти-ҳаракатга "фавқулодда ҳолат" сифатида қараймиш, адолатга ҳиёнат қилган ҳодимларга нисбатан муросаси қўрашамиз ва сафларимиз софлигини таъминлаймиш", – деган қатъиятли сўзлар маъжуд.

Ҳаракатлар стратегияси реал ижро талаб қилади. Уни амалга ошириш эса давлат ва халқ бирлигида жуда катта ишларни бажаришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам шу йилнинг 15 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармойиши қабул қилинди. Унда муайян маънода амалга оширилган ишлар сарҳисоб ҳам этилди.

Ҳозирги кунда Ҳаракатлар стратегиясини ижроси юзасидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 15 та қонун ҳамда 700 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Мустақил давлатчилигимиз тарихида илгари ҳеч қачон ҳуқуқий базани мустақамлашадиган бундай жадаллик юз бермаган эди. Бу мамлакатимизда ислохотларни мисли қўрилмаган даражада қўқурлаштириш жараёни бошланганидан далолат беради.

Фармойишда беш устувор йўналиш бўйича қилинган ишлар қисқача санаб ўтилди. Жумладан, иккинчи устувор йўналиш бўйича ўзгаришлар ҳам қайд этилди: "Суд-ҳуқуқ тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш. Суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишга ваколатли бўлган маъмурий судлар ташкил этилди. Ички ишлар органлари тизими ислоҳ қилиниб, уларнинг асосий фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини таъминлашга – "Халқ манфаатларига хизмат қилиш"га йўналтирилди".

Бинобарин, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар ана шундай эзгу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Олим МАХМУДОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ  
ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК  
КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ  
ҚАРОРИГА КЎРА ЎТКАЗИЛГАН**

**"ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ"**

**РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ  
ҒОЛИБЛАРИ ВА РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ  
МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ**

**Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари бўйича:**

**Зулфия Мўминова**, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира. 1-ўрин. "Аёлга гул беринг" шеърини тўплами учун

**Жуманазар Бекназаров**, тиббиёт фанлари доктори, профессор, публицист. 2-ўрин. "Олам мўъжизаси оstonасида" маърифий-публицистик тўплами учун

**Орзукул Эргашев**, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адиб. 3-ўрин. "Шохсанам" қиссалар ва ҳикоялар тўплами учун

**Рағбатлантирувчи мукофотлар:**

**Йўлдош Эшбек**, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир – "Қизғалдоқлар очилди" шеърини тўплами учун

**Омонулла Муталов**, тарих фанлари номзоди, шоир – "Оламда йўқ, Тошкентдек шаҳар" шеърини тўплами учун

**Босма оммавий ахборот воситалари ҳодимларининг журналистик ишлари бўйича:**

**"Динбат" газетаси тахририяти** (Наманган вилояти). 1-ўрин. Юртимизда барча жаҳадаги туб иқтимоий ислохотларнинг бориши, ҳусусан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари, қитоб ва қитобхонлик тарғиботида оид, барча йўналишни қамраб олган мақолалар, очерклар, танқидий-таҳлилий материаллар учун

**Нодира Абдуллаева**, "Экология хабарномаси" журнали муҳаррири. 2-ўрин. Мамлакатимизнинг иқтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар, ёшлар тарбияси, миллий қадриятлар, шунингдек, экологияга оид долзарб муаммолар таҳлилий бағишланган мақола, репортаж ҳамда туркум иқтимоий-маърифий, таҳлилий материаллари учун

**Маммурижон Бозоралиев**, "Машъал" газетаси муҳбири (Тошкент вилояти). 3-ўрин. Маънавий юксалиш, ўзгичиликни аниқлаш бўлиб бориладиган ҳайоли ишлар, истиқлол ва тинч-осуда ҳаёт қадри, ҳудудларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар тўғрисида ҳикоя қилувчи туркум публицистик мақолалари учун

**Рағбатлантирувчи мукофотлар:**

**Эйтибор Норбўтаева**, "Воҳа" газетаси муҳбири (Қашқадарё вилояти). – Юртимиз қиёваси тобора очилиб бораётгани, хотин-қизларнинг иқтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсати мазмун-моҳиятини таъсирчан акс эттирувчи мақолалари учун

**Вазира Иброҳимова**, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси муҳбири – "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" деган бош ғояни ўзида мукассам этган туркум мақолалари учун

**Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича:**

**Назира Боймуродова**, "Маданият ва маърифат" телеканали давлат унитар корхонаси "Ахборот-тахлилий дастурлар" муҳарриратининг 1-тоифали муҳаррири. 1-ўрин. Юртимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишларнинг амалий самарасини маҳорат билан ифодалаган "Бағрикенг диёр" туркум кўрсатувлари учун

**Шарофат Махмудова**, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот маркази муҳбири. 2-ўрин. Ахборот лавҳалари, информация дастурларда мустақиллик ғоясини аниқ акс эттиргани, шунингдек, кўтарилган мавзунларнинг долзарблиги, уларда юртимиз аҳолисини яшаш шaroитини янада яхшилаш, ёшлар ўртасида қитоб ва қитобхонлик тарғиботида бағишланган туркум кўрсатувлари учун

**Дониёр Искандаров**, "Ўзбекистон" радиоканалининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича муҳбири. 3-ўрин. Қорақалпоғистоннинг ўзига хослиги, овул ва қишлоқлар ҳаёти, уларда яратилаётган шaroит, улуғ бунёдкорлик ишлари, урф-одатлари ва анъаналарини кенг ёритувчи эшиттиришлари учун

**Рағбатлантирувчи мукофотлар:**

**Шахноза Мирҳолмудова**, "Менинг юртим-5" телеканали муҳбири – Туркум репортажларида мамлакатимизда ҳукм сурувган тинчлик-осойишталик, чегараларни дахлсизлигини асраш, Қурулди Қўламинининг жанговар салохиятини қўчайтириш борасида амалга оширилаётган ишларни, доимо оғош ва ҳушёр бўлиб яшашни, шунингдек, олиб борилаётган иқтимоий-иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг ёритишлари учун

**Нодира Холмирова**, Навоий вилояти телерадиокорхонаси ҳодими – 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда тайёрланган танқидий-таҳлилий телекўрсатувлари учун

**Тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари бўйича:**

**Санжар Мамутов**, Хоразм вилояти "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси дизайнери. 1-ўрин. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, халқимиз қўлга киритаётган ютуқлар, "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" мавзусидаги туркум дизайн ишлари учун

**Зиёдулла Фармонов**, рангтасвирчи расм (Қашқадарё вилояти). 2-ўрин. "Гиламчи аёллар", "Жейновли аёл", "Момо ва назира" туркум асарлари учун

**Наврўз Норбобоев**, "Соғлом авлод" газетаси фотомуҳбири. 3-ўрин. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг жойлардаги ижросига оид туркум бадиий-иқтимоий фотосуратлари учун

**Рағбатлантирувчи мукофотлар:**

**Алишер Ҳамдамов**, рангтасвирчи расм (Фарғона вилояти) – "Табиат манзаралари", "Ранглар хилоси", "Хулоса", "Қишнинг сўғити қунари" туркум асарлари учун

**Темурилик Абдуллаев**, дизайнер (Андижон вилояти) – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб тайёрланган дизайн ишлари учун

**Кино санъати асарлари бўйича:**

**Бахтиёр Мадияров**, "Қорақалпоқфильм" киностудияси директори (Қорақалпоғистон Республикаси). 1-ўрин. "Қорақалпоқфильм" киностудиясида тайёрланган "Пойтахт шаҳри – Нукуси", "Балиқчи" номли ҳужжатли фильмлари сценарийи учун

**Бахриддин Айназаров**, "Ўзбекфильм" киностудияси режиссёри. 2-ўрин. "Маъсума" бадиий фильмидаги иккинчи режиссёрлик иши учун

**Дониёр Шокиров**, Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар киностудияси режиссёри. 3-ўрин. "Хотира – муқаддас қитоб", "Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилмас" ҳужжатли фильмларидаги режиссёрлик иши учун

**Рағбатлантирувчи мукофотлар:**

**Тимур Султин**, "Ўзбекфильм" киностудияси монтажчиси – "Ҳазорези" бадиий фильмидаги монтаж иши учун

**Феруза Саидова**, киноастриса – "Дадам бетоб" бадиий фильмидаги бош роль ижроси учун

Реклама ўрнида

## ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз  
байрам – мустақиллигимизнинг  
муборак 26 йиллиги билан чин кўнгилдан  
самимий муборакбод этади.

Истиқлол қалбларимизга қувонч, хонадонларимизга  
хотиржамлик, бахту иқбол, файзу барака  
ва фаровонлик олиб келсин.

Жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг осмонида  
ҳамиша тинчлик кабуларлари учиб, заминиди  
шодумонлик куйлари янгрисин.

Юксак тараққиёт йўлидан бораётган халқимиз  
бунёдкорлиги ва матонатига асло кўз тегмасин!



## “RAVSHAN YODIK PRODUKTION” MACEBYLIYATI ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг 26 йиллиги байрами билан  
самимий муборакбод этади. Ҳамиша юртимиз  
тинч, маҳаллаларимиз обод, турмушимиз  
фаровон бўлсин.

**Ватан равнақи йўлида бирлашайлик, азизлар!**

## ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни файз-барака  
билан кириб келаётган  
мустақиллигимизнинг  
26 йиллиги байрами  
шодиёналари билан эзгу  
тилакларни изҳор этган  
ҳолда қутлаймиз.

Дастурхонингиз тўкин,  
турмушингиз фаровон  
бўлсин, азизлар. Ҳур ўлкамиз  
бўйлаб мустақиллик қуёши  
абдий порласин!



## “ЧИЛОНЗОР БУЮМ БОЗОРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!



Барчангизни эркин ва обод, буюк  
ва муқаддас Ватанимиз  
мустақиллигининг йигирма олти  
йиллиги байрами билан қизгин  
табриклар, Сизга энг самимий меҳр ва  
ҳурматимизни билдирамыз.

Юртимизни юксалтириш, унинг  
қудратини ошириш ва янада обод этиш  
йўлидаги улуғвор ишларингизда  
улкан ютуқлар тилаймиз.  
Истиқлол байрами барчангизга  
муборак бўлсин!



## “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



## ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛАДИ

**Жаҳон чемпионати – 2018 саралашда муваффақиятли иштирок этиб, мундиалга йўлланмани нақд қилиб қўйган Эрон терма жамоаси кузда Россияга қарши ўртоқлик ўйини ўтказиши.**

Бироқ қайси шаҳар ва стадион ушбу учрашувга мезбонлик қилиши борасида томонлар ҳанузгача ўзаро келишувга эришганича йўқ эди. Россия футбол федерацияси раҳбари Россия – Эрон ўртасидаги ўртоқлик баҳси борасида қисқа-

ча маълумот берди. Хабар қилинишича, ушбу учрашув Россияда бўлади. Аммо пойтахт Москвада эмас.

Эслатиб ўтамиз, ушбу беллашув 10 октябрь кунини Россияда бўлиб ўтади.

**Ботир ХУЖАЕВ**

**Биз ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканлигимиз, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ишлашини таъминламоғимиз зарур. Қонун барчага баробар. Шундай экан, ким бўлишимиздан қатъий назар қонунларга амал қилмоғимиз шарт.**

## Қилмиш - қидирмиш

## ТАДБИРКОР БЎЛСАНГ ТЎҒРИ ИШЛА...

Айрим фуқаролар эса қонунни била туриб, уни четлаб ўтишга ҳаракат қиладилар. Мамлакатимизда тadbиркорликка кенг имкониятлар яратилган, бундан фақат тўғри фойдаланмоқ ҳоли.

1971 йилда тузилган тошкентлик фуқаро Шоаббор Шойқромов (исми-шарифи ўзгартирилган) чет эл компаниясининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхона раҳбари лавозимида ишлаб келиб, ҳуқуқат қарори билан белгилаб берилган Низом талабларига зид равишда, назорат қилинмайдиган даромад олиш мақсадида ваколатхона номига олиб келинган 22 донга автомашиналарни ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан сотган. Автомашиналар савдосидан келиб тушган 552.381.400 сўм маблағларни банк кассасига топширмасдан жуда кўп миқдорда ноқонуний даромад топган.

Қаранг-а! 552 млн. сўм. Айтишга осон.

Суд мажлисида судланувчи Ш. Шойқромов айбига тўлиқ иқролик билдириб, чет эл компаниясининг юртимиздаги ваколатхона раҳбари лавозимида ишлаб келганини, ишлаган даврида чет элдан ваколатхона эҳтиёжлари учун турли русумдаги хориж автомашиналари келганлиги, улар тегишли тартибда божхона органлари томонидан расмийлаштирилган, берилган кўрсатмага асосан айрим автомашиналарни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари номига бегараз топшириш далолатномаларига асосан топшириб, тегишли расмийлаштириш ишларини амалга оширганлиги, мазкур автомашиналар учун фуқаролардан олинган пулларни ваколатхонанинг ҳаражатлари учун сарфлаб юборганлиги, автомашиналарни нотариял тартибда расмийлаштириб бериш билан шахсан ўзи шугулланганлиги ва ҳужжатларни корхона номидан имзолаганлиги, ҳозирда содир қилган ҳаражатлари оқибатларини тушуниб етганлиги ва пушаймонлигини билдириб, сўроқ берган.

Аммо сўнгги пушаймон, ўзининг душман, деганларидек, кейинги афсусланишдан не фойда? Ш. Шойқромов мажбурият тартиб қондаларни бузмасдан тadbиркорлик фаолиятини юритганида бўлардику!

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди Ш. Шойқромовга нисбатан қонуний ҳукм чиқарди.

**Афзал БЕРДИКУЛОВ,**  
**Бош прокуратура ҳузуридаги**  
**СВОЖДЛК Департаменти**  
**Чилонзор тумани бўлими**  
**бошлиғи ўринбосари**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан Президентимизнинг 7 августдаги “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш борасидаги олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

## МИЛЛИЙ КИНО САНЪАТИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Қарорда миллий кинематография соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, соҳада фаолият олиб бораётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, кинематография объектларини тўлиқ реконструкция ва модернизация қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби юртимизда кино санъатининг барча йўналишлари қамраб олинган.

Анжуманда сўзга чиққанлар Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори соҳа ходимларига билдирилган юксак ишонч ва масъулият эканлигини, соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, сифатини ошириш, яратилган киноларнинг мазмун-моҳиятини янада яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда, Президентимиз раҳнамолигида маданият, санъат ҳусусан, миллий кинематография соҳасини янада ривожлантириш, актёрларнинг профессионал маҳоратини ошириш ҳамда иқтидорли ёш ижодкорларни кашф этиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

“Ўзбеккино” миллий агентлиги томони-

дан жорий йилнинг ўтган даврида давлат буюртмаси асосида 10 та бадиий, 5 та мультипликацион фильмлар ишлаб чиқарилди. “Зумраш” болалар юмористик киножурналининг тўртинчи сони суратга олинмоқда. 13 та ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильм тайёрланди. Ўн бешта ҳужжатли фильмини суратга олиш ишлари бошланган.

Шу йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтиши режалаштирилган ёш кино ижодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар III Республика фестивалига тайёрларик кўрилмоқда.

Унда 35 ёшгача бўлган кино ижодкорлар кейинги икки йил давомида суратга олинган ижодий ишлари билан қатнашадилар.

Анжуманда кинематографияни ривожлантиришнинг сўнгги беш йилликдаги дастури тасдиқлангани айтиб ўтилди. Мулоҳазали, мушоадалари ва қизғин фикрлар билдирилган матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## “101”

## ЁНГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК!

**Шаҳримизда барпо этилаётган хусусий уй-жойлар қурилиши кундан кунга кўпайиб бормоқда. Фуқароларимиз барпо этаётган иморатлар ихчам, қулай ва кўркем бўлиши билан бир қаторда арзон, камчиқим бўлиши давр талабидир.**

Ҳозирда фуқароларимиз илғор қурилиш тажрибалари, фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда, хориждан келтирилган ёки қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли қурилиш материалларидан унумли фойдаланишмоқда. Лекин шунга қарамай ёнгинлар содир бўлмоқда. Содир бўлаётган ёнгинларнинг катта майдонга тарқалиб кетишига хусусий уйлари қурилишида ёнгинга қарши оралик масофаларни сақлашмаслик, томлардаги ёғоч панжараларнинг ёнгинга қарши махсус суюқлик билан ишлов бермаслиги, уйлар орасидаги ёнгинга қарши деворлар қурилмаслиги сабаб бўлмоқда.

Хонадонларда ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида янги қурилаётган ёки таъмирланаётган уй-жой ховлиларида ёзги ошхона ва тандирхона, молхона ва ем-хашакхоналарнинг ҳамда ҳар ҳуфт хоналар орасида 6 метрдан кам бўлмаган ёнгинга қарши ораликларни сақлаш, икки қўшни хонадон оралигида томни кесиб ўтувчи 60 сантиметр баландликдаги ва қалинлиги 12 сантиметрдан кам бўлмаган ёнгинга қарши деворлар билан ажратиш, уй томининг ёғоч панжараларининг ўтга бардошлигини оширувчи суюқликлар билан ишлов бериш, хоналарда иситиш печкаларини қоидага мувофиқ тўғри ўрнатиш, ертўла ёки цоколь қаватларда газга, ошхона, ҳаммом ва иситиш тизими қозонхонасини жойлаштириш ва бошқа оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш муҳим. Бу каби тadbирлар орқали иморатларимизни ёнгиндан сақлаб бўлаемиз.

**Э. ТУРСИНБОВЕВ,**  
**Юнусобод тумани ЁХБ инспектори, сержант**

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида “тилсиз ёв”нинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот учрашувлари ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тadbирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнгинга қарши курашни қучайтиришга, аҳолини жалб қилишдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “тилсиз ёв” билан курашиш фақатгина ёнгин хавфсизлиги хизмати ходим-

ларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. “Ўз уйингни ўзинг асра” деган шiori барча фуқаро, oilалар, корхона ва ташкилотга тааллуқли эканлигини унутмаслик лозим.

**Ф.ҚҮЛДОШЕВ,**  
**Ўчтепа тумани ЁХБ инспектори**

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири ёнгин офати бўлиб, у қай тарафда юзага келган бўлишига қарамай, ўзидан мудҳиш излар қолдириши маълум. Айни шу “тилсиз ёв” ҳужуми сабабли йилга қанчадан-қанча кишилар бошпанасиз қолишади, кўпчилик эса саломатлигидан айрилади, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотади. Аҳоли турар жойларидан ташқари ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнгинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар, иқтисодийётга ҳам жиддий пуғур етказиши.

Мамлакатимизда ва пойтахтимизда мана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари фаол ҳаракат қилиб келаётир. Аҳоли ўртасида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, газ ва электр тармоқларини ўзбошимчилик билан улаб олиш, носоз иситиш ускуналаридан фойдаланиш каби ҳолатларни аниқлаш учун маҳалла фаоллари ёрдамида текширувлар ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмоқдамиз.

Шунингдек, маҳалла ва кўчаларига ўзбошимчилик билан фуқаролар томонидан ноқонуний ўрнатиб олинган тўсиқларни олиб ташлаш борасида ҳам тегишли ҳудуд аҳолиси билан тушунирув ишлари олиб борилиб, бу қабилар ёнгин ўчириш автомобилларининг ёхуд бошқа фавқуллода вазиятларда тегишли уловларнинг кириб келишига ҳалақит бериши уларга етказилмоқда ва тўсиқлар бартараф этилмоқда. Уйлаймизки, нафақат ёнгинларнинг, балки бошқа турдаги нохуш ҳодисаларнинг ҳам оқибати ёмон тугайди, шу сабабли уларнинг олдини олганимиз маъқул.

**Асом ҚАМБАРОВ,**  
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ**  
**“Маърифат маркази” ЁХБ инспектори, сержант**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“ЭКОСАН” экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидини Давлат институтий буюртмасини амалга ошириш мақсадида Лойиҳа доирасида, 1000 донга – “Экология асослари” (коллекж ва академик лицейлар учун) китоби ва 5000 донга – “Экологик плакатлар тўплами” (Болалар учун 5 хил рангли тарғибот плакатлари)ни нашрга тайёрлаш ва chop этириш бўйича

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

(Тактифлар 2017 йилнинг 23 августидан 15 сентябрга қадар қабул қилинади).

Мурожаат учун тел/факс: (+99871) 234-24-88.  
E-mail: info@ecosan.uz

“Metal Dealer” (CTIP 302707422) масъулияти чекланган жамиятини таъсисчиларининг 2017 йил 22 август кундаги баённома қарорига мувофиқ жамиятнинг устав фонди 16 000 000,00 сўм миқдоридан 10 000 000,00 сўм миқдорида қамайтирилиб янги устав фонднинг миқдори 6 000 000,00 сўмни ташкил этади.

Ариза ва мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 24-уй.

Тошкент иқтисодий коллежи томонидан 2014 йилда Раджапов Фахриддин Хусан ўғли номига берилган К № 3440691-сонли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Олмазор тиббиёт коллежи томонидан 2011 йилда Набижоннова Наргиза Собиржон қизи номига берилган К №3594921-сонли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2012 йилда Каримов Рустам Раҳмонович номига берилган В № 624864-сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Генерал Узоқов кўчаси, 103-уйда яшовчи Шарипов Аббор Аҳмедович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

“Тошкент вилояти Зангиота тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан берилган Махмудов Муротали ва Махмудова Асолатларга тегишли бўлган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўртаовул ҚФЙ, Боғ кўчаси, 40-уйнинг кадастр ҳужжатлари ва № 1-1900 реестр рақамли мерос шартномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## “ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзили-миз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

## ОЗ-ОЗ ЎРГАНИҚ ДОМО БИГУР

Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ТЎРТЛИКЛАР

Эй дил, ишқнинг чироғини ҳар дил  
тутмагай,  
Эй дил, оташ дудоғини ҳар гул  
тутмагай.  
Севмоқ саодатдир, севилмоқ бахти  
боқий,  
Эй дил, чин ошиқсан, дилбар дил  
унутмагай.

\* \* \*

Эй дил, осмон билан овворадирсан,  
Эй дил, ёлғон билан овворадирсан.  
Ўзингдан ўзгадир дил йўқдек гўё,  
Сенга раҳмим келар, бечорадирсан.

\* \* \*

Эй дил, гуллик истадингми,  
гулзорга бординг?  
Эй дил, куллик истадингми,  
дилдорга бординг?  
Муҳаббат боғида бечоралар кўп  
билсанг,  
Эй дил, ўзинг зорсан-ку, ох, қай  
зорга бординг?

\* \* \*

Эй дил, сўз айтмоқнинг шартин кўп  
жуда,  
Эй дил, сўз айтганнинг мардин кўп  
жуда.  
Паҳлавон Маҳмуддан сабоқ  
сўрагин,  
Ул зот ҳикматининг дардин кўп  
жуда.

\* \* \*

Бу дунё келгучи, кетгучиники,  
У дунё абадий ётгучиники.  
Ул коса, айтингиз қайси кўлдадир,  
Жаннат чашмасидан тутгучиники.

\* \* \*

Ўл ёрки, ҳиммати қароғидадир,  
Висолин шарбати дудоғидадир.  
Биз ҳаргиз хурраммиз ҳаёл боғида,  
Жон тиги, гурбати, фиғоғидадир.

\* \* \*

Шабнам шаклидаги дурни кўрдим  
мен,  
Оқил ақлидаги дурни кўрдим мен.  
Бир суҳбат бўлдики, меваси

ҳикмат,

Хаёли озода, ҳурни кўрдим мен.

\* \* \*

Кўнгил ҳар лаҳзада камронлиг  
истар,  
Бу не дард, билмадим, дармонлиг  
истар.  
Одам ҳам бу дунё омонатидир,  
Омонат ҳам, Маҳмуд, омонлиг  
истар.

\* \* \*

Ҳар ҳикмат хитоби сукут жомида,  
Диллар тубида у, оқил комида.  
Сен фақат англарсан, англатганини,  
Номаи аъмоли унинг номида.

\* \* \*

Ҳар кўнгил бир олам, ўз тоғи  
бордир,  
Ҳар кўнгил бир олам, ўз боғи  
бордир.  
Кирсанг, дарвозасин аста чертиб  
қўй,  
Бесўроқ ташрифнинг сўроғи  
бордир.

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

34-36 даража иссиқ бўлади.  
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 24 августда Тош-

Тошкент шаҳрида 24 август кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи —

кент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

**Тошкент Оқшом**

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.  
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқиди  
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.  
5001 нускада босилди.  
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки  
«Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул  
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.00